# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2012 йил 4 апрель, № 65 (5485) Чоршанба


## Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгашининг мажлисига доир

3 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни мамлакатимиз Президенти, Миллий хавфсизлик кенгаши Раиси Ислом Каримов бошқарди.

Унда қуйидаги масалалар муҳокама қилинди: жорий ишларнинг таҳлили, Ўзбекистон ва минтақадаги хавфсизликка таҳдид ва хавф-хатарлар, шунингдек, бу таҳдидларни бартараф этиш чора-тадбирлари.

Йиғилишда ҳукумат ва тегишли идоралар раҳбарлари иштирок этди.

### Конференция

*Тошкентда «Минерал ўғитлар ва уларга оид соҳалар халқаро бозорининг бугунги аҳволи ва ривожланиш тенденциялари» мавзуида минтақавий конференция бошланди. Форум Минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчилар халқаро уюшмаси (IFA) томонидан «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилди.*

## ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Анжуманда дунёнинг 30 мамлакатидан минерал ўғитлар, тегишли хом ашё ва соҳага оид бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган ҳамда етказиб берадиган йирик компаниялар вакиллари, ушбу бозорнинг барча бўғинларини ўрганиш билан шуғулланадиган етакчи мутахассислар қатнашаяпти.

Мазкур форумни ўтказишдан мақсад — минтақавий ва жаҳон минерал ўғитлар бозорларидаги замонавий тенденциялар, шунингдек, ушбу саноат тармоғида ишлаб чиқариш ҳамда экологик хавфсизлик масалаларини муҳокама қилишдан иборат. Бундан ташқари, анжуман иштирокчилари Ўзбекистон ва IFA ҳамкорлигини ривожлантириш истиқболлари, мамлакатимиз кимё саноатида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича замонавий корхоналар сони ҳамда қувватини ошириш, «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган минерал ўғитларни экспорт қилиш тузилмаси ва географиясини диверсификациялашга қаратилган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга янги хорижий шерикларни жалб этиш имкониятларини кўриб чиқади.

IFA халқаро ассоциацияси 1927 йилда ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда у дунёнинг 86 мамлакатидаги 540 ишлаб чиқариш корхонаси, дистрибьютерлар, шунингдек, агрономик тадқиқотлар ва ўқитиш билан шуғулланадиган ташкилотларни бирлаштирган. Уларнинг ярми ривожланган давлатларда фаолият кўрсатмоқда. Айни пайтда дунёда ҳар йили қарийб 170 миллион тоннага яқин ўғит ишлаб чиқарилаётир. Улардан фойдаланиш қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш, пировард натижада эса озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш имконини беради. Бу аҳоли сони ўсиб бораётган шароитда барқарор ривожланишнинг муҳим масалаларидан биридир.

Тадбирнинг очилишида IFA бош директори Люк Ман Марказий Осиё минтақаси иқтисодий ривожланиш борасида катта салоҳиятга эга эканлигини таъкидлади. Конференциянинг айнан Тошкентда ўтказилаётгани Ўзбекистон минерал ўғитлар ишлаб чиқариш ҳамда уларни экспорт қилиш соҳасида жаҳон хўжалик муносабатлари, шунингдек, иқтисодиётнинг бошқа кўплаб йўналишларининг муҳим ва фаол иштирокчиси эканидан яна бир далолатдир. Ўзбекистон кўмагида юксак савияда ташкил қилинган ушбу форум ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш йўналишларини белгилаб олиш имконини беради.

Анжуманда Ўзбекистон барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини, жумладан, жаҳон бозорида харидоргир маҳсулот ишлаб чиқараётган ривожланган кимё саноатини намойиш этаётгани қайд этилди. Мамлакатимизнинг иқтисодий жиҳатдан жадал юксалиб бораётгани Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва юқори самарадорлигини вақтнинг ўзи кўрсатиб турган ислоҳотларнинг «ўзбек модели» ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилаётганининг ёрқин ифодасидир.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан миллий иқтисодиётимизни бозор муносабатлари асосида кенг кўламли ислоҳ этиш давомида макроиқтисодий барқарорлик ва мувозанатга эришилди. Бундай юқори кўрсаткичлар сақланиб турибди. Барча жабҳаларда таркибий туб ўзгаришлар рўй берди, ишлаб чиқариш рентабеллигини ошириш мақсадида уни диверсификация қилиш ишлари изчил олиб борилаётир. Шу жумладан, қишлоқ хўжалигида ҳам чуқур ва сифатли ўзгаришлар амалга оширилди. Ўзини ернинг ҳақиқий эгаси деб билаётган деҳқон ва фермерларнинг юқори ҳосил олишдан манфаатдорлиги ошмоқда. Қишлоқ хўжалиги экинлари учун асосий озуқа моддалари манбаи ҳисобланган минерал ўғитларга ҳам талаб ортиб бораётир. Шу билан бирга, уларнинг нафақат самарадорлиги, балки экологик хавфсизлигига нисбатан ҳам талаблар кучаймоқда.

(Давоми 2-бетда).

### Халқаро кўргазма

*Кеча “Ўзэкспомарказ” мажмуида бир йўла учта — “WorldFood Uzbekistan 2012” — озиқ-овқат ва қайта ишлаш саноати ускуналарининг ўн иккинчи, “AgroWorld Uzbekistan 2012” — қишлоқ хўжалиги технологияларининг еттинчи ҳамда “UPack Uzbekistan 2012” — қадоқлаш ускуналари ва технологияларининг халқаро кўргазмалари иш бошлади.*

*Уларнинг бир пайтда ўтказилиши бежиз эмас, албатта. Чунки қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати ўзаро боғлиқ бўлиб, мазкур соҳаларнинг ривожини айрича тасаввур қилиб бўлмайди. Кўргазмадан кўзланган мақсад эса иқтисодиётимиз салоҳиятини намойиш қилиш асносида соҳалараро алоқаларни янада ривожлантириш, уларга хориж инвестицияси ва технологияларини жалб этишдан иборатдир.*







Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

## САНОАТИМИЗ ЮКСАЛИШИ – ФАЙЗЛИ ВА ФАРОВОН ТУРМУШИМИЗ МЕЗОНИ

Кўргазмаларнинг очилиш маросимида таъкидланганидек, Ўзбекистонда кузатилаётган барқарор ривожланиш чет эл ишбилармон доираларининг иқтисодиётимизга бўлган қизиқишини кучайтирмоқда. Буни тадбирда иштирок этувчи давлатлар жуғрофияси кенгайиб, компанияларнинг сони йил сайин кўпайиб бораётганидан ҳам билиб олиш мумкин. Бинобарин, бу йилги кўргазмаларда жаҳоннинг 22 мамлакатидан 180 та компания ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан қатнашаётир.

— Корхонамиз Жанубий Корея сармояси иштирокида ташкил этилган, — дейди “Bow Co.,Ltd” қўшма корхонасининг молиявий директори Акмал Зокиржонов. — Цехларимиз энг сўнгги русумдаги замонавий ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, улар ёрдамида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун қоплар, турли қалинликда полипропилен ип ва арқонлар ишлаб чиқараяпмиз. Ички бозорда талаб ниҳоятда катталиги туфайли уларни шартнома асосида республикамиз деҳқон ва фермер хўжаликларига етказиб бераяпмиз. Очиғи, маҳсулотларимиз экспортини йўлга қўйиш мақсадида кўргазмага келдик. Унинг биринчи кунидаёқ буюртмалар олишга муваффақ бўлганимиздан мамнунмиз.

Кўргазма залларини айланган кишида мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатидаги муваффақиятлар ҳақида яққол тасаввур ҳосил бўлади. Сабаби, тадбир мавзу жиҳатидан ранг-баранг, маҳсулот етиштириш, хом ашёни қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотни қадоқлашгача — барча жараёнлар қамраб олинган. Айниқса, “WorldFood Uzbekistan 2012” кўргазмасида экспонатлар кўплиги эътиборни тортади. Ташкилотчиларнинг айтишича, бу йил иштирокчи компаниялар сони 20 фоизга кўпайганлиги боис намойиш майдонлари ҳам кенгайтирилган.

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОНДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ СОҲАСИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

*Тошкентда Халқаро электр алоқалари иттифоқининг минтақавий тадбирлари — МДҲ давлатлари учун “Стандартлаштиришдаги тафовутларга барҳам бериш” форуми, Алоқа соҳасида минтақавий ҳамкорликнинг Электр алоқасини стандартлаштириш бўйича бутунжаҳон ассамблеясига тайёргарлик йиғилиши ва Алоқа соҳасида минтақавий ҳамкорликнинг Халқаро электр алоқаси бўйича бутунжаҳон конференциясига ҳозирлик кўриш бўйича йиғилиши давом этмоқда.*

### АКТ соҳаси

Халқаро электр алоқалари иттифоқига аъзо давлатлар, МДҲ мамлакатларининг 70 нафарга яқин вакили ҳамда академик ташкилотларнинг аъзолари телекоммуникация ва ахборот технологиялари соҳасини ривожлантиришга доир долзарб масалаларни муҳокама этмоқда, миллий эҳтиёжларни инобатга олган ҳолда, муҳим муаммоларни ҳал қилишнинг самарали йўлларини ишлаб чиқмоқда. ЎзА мухбири форумнинг айрим иштирокчилари билан суҳбатлашиб, улардан кўриб чиқилаётган масалалар хусусида ўз фикр ва таассуротлари билан ўртоқлашишни сўради.

Бугунги кунда Халқаро электр алоқалари иттифоқида 193 аъзо, жумладан, академик ташкилотлар бор. Халқаро электр алоқалари иттифоқининг олтита минтақавий ташкилоти таркибига МДҲ алоқа маъмуриятларини бирлаштирадиган Алоқа соҳасида минтақавий ҳамкорлик ҳам киради. Бу катта таркибга эга тузилма вакилларининг АКТ соҳасида стандартлаштириш масалаларида ягона ҳамда мувофиқлаштирилган ёндашувларни ишлаб чиқиши ниҳоятда муҳимдир. Сўнгра ноябрь ойида Дубайда бўлиб ўтадиган ассамблеяга минтақалар манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, стандартлаштириш сиёсатини янада такомиллаштириш бўйича аниқ таклифларни киритиш зарур бўлади.

(Давоми 2-бетда).

## Интеллектуал мулк ҳимояси

*Пойтахтимиздаги “Маърифат маркази”да “Муаллифлик ҳуқуқи, турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ва мулкий ҳуқуқларни жамоавий бошқариш” мавзуида минтақавий семинар ўтказилмоқда.*

### Семинар

Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ҳамда Муаллифлар ва бастакорлар жамиятлари халқаро конфедерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари, ҳуқуқ-тартибот ва солиқ идоралари вакиллари қатнашаяпти.

Анжуманда таъкидланганидек, юртимизда Президентимиз раҳнамолигида муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, интеллектуал мулк эгалари манфаатларини муҳофазалашнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Жумладан, 2005 йилда Ўзбекистоннинг Бадиий ва адабий асарларни ҳимоя қилиш бўйича Берн конвенциясига қўшилиши юртимизда ижод қилаётган муаллифлар асарларини жаҳоннинг 160 дан зиёд давлатида ҳимоя қилиш имконини берди. “Муаллифлик ҳуқуқлари ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши эса асарлари мамлакатимизда фойдаланилаётган маҳаллий ва хорижий муаллифлар ҳуқуқлари кафолатини мустаҳкамлади. Тадбирда шулар хусусида сўз юритилар экан, ҳозирги глобаллашув даври талабларидан келиб чиққан ҳолда, соҳанинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг ижросини таъминлаш зарурлиги уқтириб ўтилди.

(Давоми 2-бетда).

### Хушхабар

*“Томоша” болалар мусиқий театр студиясини кўпчилик яхши билади ва яхши кўради. Чунки бу болалар юртимиздагина эмас, балки жаҳон миқёсидаги нуфузли кўрик-танлов ҳамда фестивалларда ҳам муваффақиятли қатнашиб, санъат мухлисларининг олқишу эътирофларига сазовор бўлишган.*

## Истеъдодли фарзандлар – юрт фахри

Истеъдодли болаларимиз ижро этган куй-қўшиқлар Германия, Голландия, Жанубий Корея, Россия, Франция, Туркманистон, Хитой, Ҳиндистон каби мамлакатларда бўлиб ўтган халқаро фестивалларда баралла янграб, мусиқа ихлосмандларида ёрқин таассурот қолдиргани ҳам айни ҳақиқатдир.

Куни кеча Москва шаҳридан яна бир хушхабар етиб келди. Гап шундаки, 27 март — 1 апрель кунлари бўлиб ўтган “Открытая Европа” номли халқаро кўрик-фестивалда “Томоша” болалар мусиқий театри Гран-при совринига муносиб деб топилибди. Болажонларимизнинг Осиё ва Европа мамлакатлари вакилларидан иборат 3 минг нафар иштирокчи орасида энг юқори ўринга лойиқ бўлиши тасодифий ҳол эмас, албатта. Негаки, фестивалда юртимиз вакилларининг актёрлик маҳорати, вокал, хореография ҳамда нотиқлик санъати бўйича пухта билим ва кўникмаларга эга жамоа эканлиги алоҳида эътироф этилиб, уларнинг қобилияти, интилиши юқори баҳоланди.

— Фарзандларимиз эришаётган бу каби ютуқлар мамлакатимизда ёш авлод таълим-тарбиясига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганлиги самарасидир, — дейди мусиқий театрнинг бадиий раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Нодира Қурбонова.

(Давоми 4-бетда).

## Мамлакатимизда: Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### Навоий

*Нурота туманида тўрт йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган “Зафар гранит” масъулияти чекланган жамияти жорий йилда мармар, гранит каби маҳсулотларни экспорт қилиш юзасидан 500 минг АҚШ долларилик буюртмалар олди.*

#### Экспортчи корхоналар кўпаймоқда

Ўтган йили бу ерда 1 миллион АҚШ долларилик модернизация тадбирлари амалга оширилгач, корхонада ишлаб чиқариш самарадорлиги сезиларли даражада ортди. Муҳими, 30 та қўшимча иш ўрни яратилди.

Айни пайтда “Зафар гранит” жамоаси ўз фаолиятини кенгайтириш ҳаракатида. Бунинг учун хориждан 1,5 миллион АҚШ долларилик замонавий дастгоҳлар келтирилмоқда. Ушбу лойиҳа рўёбга чиқарилиши билан яна 200 нафарга яқин киши доимий даромад манбаига эга бўлади.

Туманда ҳозир маҳсулотларини хорижга сотаётган корхоналар сони 8 тага етган. 2011 йилда улар томонидан 134,4 минг АҚШ долларилик экспорт амалиётлари бажарилди.

**А. ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Наманган

*Поп туманида Адлия вазирлиги ташаббуси билан ўтказилган ободонлаштириш тадбирлари доирасида Исковут қишлоғидаги катта йўл ёқаларига, Хўжаобод қишлоғидаги янги қурилаётган намунавий уй-жойлар атрофига 2 минг тупдан зиёд арча кўчатлари экилди.*

#### Маҳаллалардаги ободонлаштириш тадбирлари

Иккита маҳалла фуқаролар йиғинига компьютер туҳфа қилинди.

Шунингдек, тумандаги “Янгиер”, “Хўжаобод” маҳалла фуқаролар йиғинларида яшовчи аҳоли вакиллари билан ўтказилган ҳуқуқий тарғибот мавзуидаги мулоқотлар ҳам қизиқарли кечди.

**А. ЗИЁДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Хоразм

*Боғот туманида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш эвазига жорий йил бошидан буён 1 минг 390 тадан ортиқ иш ўрни ташкил этилди.*

#### Табиий хом ашёдан тайёрланади

Хусусан, туманнинг Бешариқ қишлоғида “Бешариқ чарм” масъулияти чекланган жамияти иш бошлаши билан 15 кишининг доимий бандлиги таъминланди. Йилига 2 минг квадрат метр терини қайта ишлаш қувватига эга ушбу корхона тадбиркор Болтабой Отажонов саъй-ҳаракати билан барпо этилди. Айни пайтда бу ерда замонавий спорт анжомлари ва пойабзаллар тайёрланмоқда.

Келгусида корхонада чарм камзуллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши режалаштирилган.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## БИР РАҚАМ ШАРҲИ

## КИЧИК БИЗНЕСГА СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ

***Жорий йилдан бошлаб саноат соҳасидаги микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 6 фоиздан***

**5 фоизга туширилди.**

Солиқ имтиёзининг қўлланилиши ҳисобига кичик корхоналар ихтиёрида катта миқдорда маблағ тежаб қолиниб, у, энг аввало, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, замонавий технологик линияларни жалб этиш, шунингдек, ишчи-ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш мақсадларига йўналтирилиш кўзда тутилган.

# САНОАТИМИЗ ЮКСАЛИШИ — ФАЙЗЛИ ВА ФАРОВОН ТУРМУШИМИЗ МЕЗОНИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Павильонларда юртимиз тадбиркорлари томонидан ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари, хорижнинг замонавий қайта ишлаш жиҳозлари, ихчам минитехнологиялари кенг кўламда намойиш этиляпти. Юртимиз тадбиркорларига, айниқса, Германияда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат саноати ускуналари кўпроқ маъқул тушмоқда.

— Тошкентда ўтказилаётган ушбу кўргазмада ҳар йили қатнашамиз, — дейди германиялик мутахассис Фриц Ёханнес. — Юртингиз ишбилармонлари "Wachtel", "Petkus" каби компанияларимизда ишлаб чиқарилган технологик линияларни яхши билишади. Улар тежамкорлиги, юқори унумдорлиги билан мижозлар ишончини оқлаган. Бу гал ушбу компаниялардан ташқари, яна 10 дан ортиқ фирмалар замонавий технологияларини олиб келишган. Ўйлаймизки, бу гал ҳам кўплаб тенг манфаатли шартномалар имзолаймиз.

Иштирокчиларга таклиф этилаётган қайта ишлаш ускуналари билан яқиндан танишиш учун барча шарт-шароит яратиб берилган. Маъқул тушса, шу ернинг ўзида сотиб олиш бўйича шартномалар имзолаш мумкин. Шу боис кўргазманинг ҳар бир бўлими республикамизнинг барча минтақаларидан ташриф буюрган қишлоқ хўжалиги ходимлари, тадбиркорлар ва кичик бизнес субъектлари вакиллари билан гавжум.

Соҳа мутахассисларининг фикрича, республикамизда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш линияларига бўлган эҳтиёж йил сайин ошиб бораверади. Гап шундаки, яқин беш йил ичида 33 та инвестициявий лойиҳа амалга оширилиши, бунинг учун 36,5 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ йўналтирилиши кўзда тутилган. Бу, ўз навбатида, 44 та сутни қайта ишлайдиган, 47 та гўштни қайта ишлайдиган, 78 та мева-сабзавотни қайта ишлайдиган корхонани янгидан барпо этиш, яна ўнлаб шундай корхоналарни модернизациялаш имконини беради. Табиийки, янги қувватларнинг зарур ускуна ва жиҳозларга бўлган талабини қондиришда ихтисослаштирилган кўргазмалар муҳим аҳамият касб этади.

…"AgroWorld Uzbekistan 2012" кўргазмасида жаҳонга машҳур 50 дан зиёд компания ва фирмалар томонидан қишлоқ хўжалиги техникаси ва машиналари, ускуна ҳамда жиҳозлар намойиш этилаяпти.

Юртимиз деҳқон ва фермерлари омихта ем, ветеринария препаратлари, чорва наслчилиги борасида жаҳоннинг илғор тажрибаси билан яқиндан танишиш, янги ишланмаларни сотиб олишларига имкониятлар яратилган. Қолаверса, қишлоқ хўжалиги ходимларига янада қулайлик яратиш мақсадида кўргазмаларнинг иккинчи иш куни "Фермерлар куни" деб эълон қилинди.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ходимлари ҳамда саноатчиларининг муҳим бозорига айланган мазкур нуфузли тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари, "Ўзвиносаноатхолдинг" компанияси, Савдо-саноат палатаси, Фермер хўжаликлари, Озиқ-овқат саноати ҳамда "Ўзулгуржисавдо" уюшмалари, шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокимлиги кўмагида "ITE Uzbekistan" компанияси томонидан ташкил этилди.

Халқаро кўргазмалар 5 апрелгача фаолият кўрсатади.

**Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хорижий иштирокчиларнинг фикрича, бугун миллий иқтисодиётимизнинг реал секторларидан бири — Ўзбекистон кимё саноатида ишлаб чиқарилаётган минерал ўғитлар ушбу талабларга жавоб беради.

Конференцияда «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси бошқаруви раиси Ҳ. Шерматов истиқлол йилларида мамлакатимиз раҳбарияти томонидан кимё саноатини кенгайтириш ва унумдорлигини ошириш, уни техник қайта жиҳозлаш, модернизация қилиш, маҳаллийлаштириш, инфратузилмасини такомиллаштириш, илғор технологиялар асосида янги, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, соҳага катта миқдорда инвестициялар, жумладан, хорижий инвестицияларни жалб қилишга доимий эътибор қаратилаётганлиги туфайли жадал юксалиб бораётганини таъкидлади.

Конференция қатнашчилари Ўзбекистон кимё саноатининг ишлаб чиқариш, инвестицион ва экспорт салоҳияти билан таништирилди.

Мамлакатимиз мазкур соҳани ривожлантириш учун барча зарур ресурсларга эга. Мавжуд йирик хом ашё конлари «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компаниясининг халқаро стандартлар даражасида тайёргарликдан ўтган малакали мутахассислар меҳнат қилаётган замонавий, юқори технологик корхоналари томонидан қайта ишланмоқда. Компания ишлаб чиқараётган минерал ўғитлар миқдори ва турлари бўйича Марказий Осиёда етакчи ўринда туради. Минтақада аммиак, карбамид, аммиак селитраси, сульфат аммоний, аммофос, нитрофос ишлаб чиқариш бўйича йирик компаниядир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2007 йил 27 июлда қабул қилинган қарори билан тасдиқланган 2007 — 2011 йиллар мобайнида кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастурини амалга ошириш жараёнида соҳада катта ўзгаришлар рўй берди. Фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босадиган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, энергия ва ресурс тежайдиган технологияларни жорий этиш ҳисобидан уларнинг таннархини камайтириш, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлашни кўпайтиришга доир ишлар амалга оширилди.

Масалан, «Максам — Чирчиқ» ва «Фарғонаазот» очиқ акциядорлик жамиятларида аммиак ишлаб чиқариш корхоналари реконструкция қилинди. Бу ушбу корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқаришни тегишли равишда йилига 420 ва 400 минг тоннагача етказиш, агрегатларнинг барқарор ва ишончли ишлашини таъминлаш, ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолини ҳамда якуний маҳсулот таннархини камайтириш имконини берди. Бундан ташқари, «Максам — Чирчиқ» очиқ акциядорлик жамиятида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан ғовакли селитра ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. «Самарқандкимё» очиқ акциядорлик жамиятида эса маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш бўйича ўзимизда тайёрланган технология базасида лойиҳа бўйича йилига 250 минг тонна янги нитрокальцийфосфатли ўғит ишлаб чиқариш қувватига эга корхона ташкил қилинди. «Навоийазот» очиқ акциядорлик жамиятида фосфорит хом ашёси қўшилган аммиак селитрасини гранулалаш жараёнини татбиқ этишга доир лойиҳа амалга оширилди. Бу ҳар йили 180 минг тонна аммиак селитрасини олиш имконини беради. Мазкур маҳсулотларга бугун нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам талаб катта.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 11 мартда қабул қилинган «Кимё саноати корхоналари қурилишини жадаллаштириш ва янги турдаги кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш доирасида «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси корхоналарида карбамид-аммиак аралашмаси, зичлиги паст аммоний нитрати, натрий нитрати, тринатрийфосфат, озуқа фосфати, аммиак ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун катализаторлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 15 декабрда имзоланган «2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарори соҳа корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган минерал ўғитлар турларини янада кенгайтириш ва унинг экспорт салоҳиятини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. 2011 йил якунлари бўйича компания корхоналарида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари 106,3 фоизни ташкил қилди. Маҳсулот экспорти эса 10,8 фоизга кўпайди. Мамлакатимиз Инвестиция дастурига киритилган инвестицион лойиҳалар доирасида қиймати 57,7 миллиард сўмлик капитал қўйилмалар ўзлаштирилди. Айни пайтда қатор янги лойиҳалар, жумладан, аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш, Деҳқонобод калий ўғитлари заводи қувватини оширишга доир лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Шунингдек, конференцияда Ўзбекистон кимё саноати корхоналарида хавфсизликни, шу жумладан, ишлаб чиқариш ҳамда тайёрланаётган маҳсулотнинг экологик хавфсизлигини оширишга катта эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Шу мақсадда комплекс чора-тадбирлар амалга оширилаётир. Мисол учун, «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси тизимида халқаро ҳамжамият томонидан қўлланилаётган Соф ривожланиш механизми доирасида буғхона газлари чиқарилишини камайтиришга қаратилган олтита лойиҳа ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Конференциянинг чет эллик иштирокчилари Ўзбекистон миллий иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган замонавий корхоналарни ташкил этиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар хорижий ишбилармон доираларда мамлакатимиз билан ҳамкорликни кенгайтиришга катта қизиқиш уйғотаётганини таъкидладилар.

**Анна ИВАНОВА, ЎзА мухбири.**

# ЎЗБЕКИСТОНДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ СОҲАСИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Мазкур тадбирлар юксак савияда ташкил этилганини таъкидламоқчиман, — дейди Халқаро электр алоқалари иттифоқининг электр алоқалари стандартлаштириш бюроси директори Малькольм Жонсон. — Тўрт йил аввал ҳам бу ерда форумларни ўтказган эдик ва шу вақт ичида Ўзбекистонда ахборот макони сари муҳим қадамлар қўйилганининг гувоҳи бўлдик. Бу борада яхши натижаларга эришилган ва улар янада кўпаймоқда. Шуниси қувонарлики, 2011 йилда Тошкент ахборот технологиялари университети Халқаро электр алоқалари иттифоқининг академик аъзосига айланди ва бу мазкур олий ўқув юрти катта салоҳиятга эгалигидан далолатдир.

Ажойиб мамлакатингиз, унинг бой тарихи ва маданий мероси ҳақида тўхталиб ўтишни истардим. Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари менда унутилмас таассурот қолдирди. Пойтахтингиз марказидаги Мустақиллик майдонининг маҳобати, шаҳарсозликда шарқона безак ва замонавий дизайнни ўзида мужассам этган ажойиб архитектура ансамбли кишини лол қолдиради.

Озарбойжон Республикаси Алоқа ва ахборотлаштириш вазирлигининг телекоммуникациялар тармоғи мудири Нозим Жаъфаровнинг айтишича, форумнинг барча қатнашчилари АКТ соҳасида стандартлаштириш муаммоларини ҳал этишга янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш зарурлигини яхши англайди. Бўлиб ўтажак жаҳон форумидаги минтақавий позиция Алоқа соҳасида минтақавий ҳамкорлик аъзолари фаолиятининг барча жиҳатларини эътиборга олиши даркор. Масалан, сифати кафолатланган чексиз телекоммуникация хизматларини тақдим этиш ва фойдаланувчиларнинг глобал мобиллигини таъминлайдиган келгуси авлод (NGN) тармоқларини ривожлантиришда муаммолар мавжуд.

NGN тармоқларининг асосий ғояси ҳар қандай турдаги хизматларни кўрсатиш учун ягона тармоқ инфратузилмасини ташкил этишдан иборат. Бу ягона тармоқ инфратузилмасида ҳар қандай трафик билан ишлашни кўзда тутади. Бироқ МДҲ мамлакатларида ушбу ўтиш жараёни бир меъёрда амалга оширилмаяпти. Бунда кўп нарса кадрларни тайёрлаш даражасига боғлиқдир. Бу борада давлатингиз юритаётган сиёсат эътиборга лойиқ. Негаки, мамлакатингизда бўлажак мутахассисларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, бунинг учун нафақат ихтисослаштирилган университет, балки барча ҳудудларда унинг филиаллари ташкил қилинган. Сўнгги йилларда мамлакатингиз АКТ соҳасида салмоқли натижаларга эришди. Соҳага катта миқдорда инвестициялар жалб этилаётгани, самарали халқаро ҳамкорлик йўлга қўйилгани, яхши шаклланган рақобат муҳити жаҳон даражасида хизматлар кўрсатиш имконини берадиган инфратузилмани ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

— Ўзбекистонга иккинчи марта келишим ва мамлакатингизда АКТ соҳаси юқори суръатлар билан ривожланиб бораётганининг гувоҳи бўлдим, — дейди "Укртелеком" масъулияти чекланган жамиятининг илмий-техника сиёсати департаменти директори Виктор Каток. — Ўзбекистон алоқа соҳасида минтақавий ҳамкорликнинг бошқа аъзоларидан тубдан фарқ қилади. Бу ерда соҳани юқори даражада рақамлаштиришга эришилган, юзлаб километр оптик толали алоқа линиялари ўтказилган, интернет тармоғидан кенг полосали фойдаланиш босқичма-босқич жорий этилмоқда, миллионлаб абонентлар уяли алоқа компанияларининг хизматидан баҳраманд бўлмоқда, қолаверса, мобиль тармоқ мамлакатингизнинг деярли барча ҳудудини қамраб олмоқда. Буларнинг барчаси давлатингизнинг пухта ўйланган сиёсати натижасидир.

**В. НИКОЛАЕВ, ЎзА мухбири.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Маълумки, соҳага оид қонунчилигимизда муаллифларнинг мулкий ҳуқуқларини индивидуал тарзда амалга ошириш қийинчилик туғдирган ҳолатларда, уни жамоавий тарзда бошқарадиган идоралар ташкил этиш ҳам кўзда тутилган, — дейди Ўзбекистон Рес-

## Интеллектуал мулк ҳимояси

публикаси Интеллектуал мулк агентлиги Патент ҳужжатлари бўлими бошлиғи Яқуб Мўминов. — Бошқача айтганда, мазкур ташкилотлар муаллифлар манфаатларини ифодалаш билан бир қаторда, уларнинг муаллифлик ҳақларини фойдаланувчилардан ундириш билан ҳам шуғулланади. Семинар бу борадаги халқаро тажрибани ўрганиш, мулкий ҳуқуқни жамоавий бошқариш, музокаралар олиб бориш ва лицензия битимларини тузиш, соҳа объектларининг ноқонуний муомаласига қарши кураш каби долзарб вазифаларга бағишлангани билан аҳамиятлидир.

Тадбирда муаллифлар ҳуқуқларини жамоавий бошқаришда Муаллифлар ва бастакорлар жамиятлари халқаро конфедерациясининг роли, муаллиф асарларидан фойдаланувчилар билан музокаралар олиб бориш ва лицензия битимларини тузиш тажрибаси, юртимизда мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқаришга ихтисослаштирилган ташкилотларни тузиш ва бошқа масалалар ҳам атрофлича муҳокама этилмоқда.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# ОНА ВА БОЛА СОҒЛИҒИ — ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

*Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, аҳоли саломатлигини муҳофазалаш, даволаш-профилактика муассасалари моддий-техник базасини юксалтириш ва тиббиёт ходимларининг моддий рағбатлантиришга катта эътибор қаратиб келинмоқда.*

### Маҳаллий Кенгашларда

Хусусан, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилаётган "Соғлом она — соғлом бола" концепцияси ҳамда Президентимизнинг "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, "2009 — 2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги қарорлари бугун ўзининг ижобий самараларини бермоқда.

Албатта, бу ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашда маҳаллий Кенгашлар депутатларининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор. Хусусан, халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси томонидан аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, барча қишлоқ врачлик пунктлари замонавий тиббиёт воситалари билан жиҳозланаётир. Ўтган йили маҳаллий ҳокимият органлари билан ҳамкорликда "Саломатлик-2" лойиҳаси асосида қишлоқ врачлик пунктлари ва туман тиббиёт бирлашмаларига 3,4 миллиард сўмлик тиббий жиҳоз ҳамда замонавий ускуналар келтириб ўрнатилгани бунга бир мисолдир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 июлдаги "Республиканинг қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан комиссиянинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Унга биноан, туман тиббиёт бирлашмалари ва ҚВПларга ҳомиладор аёллардаги камқонликнинг олдини олиш ва дунёга келадиган фарзандларнинг соғлом бўлишини таъминловчи 547 миллион сўмликдан зиёд поливитамин комплекслари тарқатилди. Бултур вилоятдаги ҚВПларга марказлаштирилган ҳолда 470 миллион сўмлик дори-дармон етказиб берилди, 40 та ҚВП қошида "Сурхон дори-дармон" МЧЖга қарашли шохобчалар, 152 тасида эса фитобарлар ташкил этилди.

Шунингдек, Музработ туманидаги "Қўнғирот", Деновдаги "Бодиҳаво", Бойсун туманидаги "Қора бўйин", Узундаги "Меҳнат" қишлоқ врачлик пунктлари ЭКГ ва ФЭКлар билан таъминланганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Жорий йилда барча ҚВПда ана шундай ташхис бўлимларини ташкил этишни режалаштириб турибмиз.

Умуман олганда, воҳада қишлоқ аҳолиси саломатлигини мустаҳкамлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бундай тадбирлар жорий йилда ҳам изчил давом эттирилаётир. Шу мақсадда комиссиямиз туманлар ҳокимликлари томонидан ишлаб чиқилган қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини бугунги кун талаблари даражасида ташкил этиш режаси ижросини изчил назорат қилиб келмоқда. Зеро, оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилишга ҳар биримиз масъулмиз.

**Чори ЖУМАҚУЛОВ, халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси ўринбосари.**

# Корхонанинг ўттиз учинчи мижози

*Зафаробод қўрғонида яшовчи хусусий тадбиркор Ботир Аҳадов Ғиждувон туманидаги "Буктарой" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида фаолият кўрсатаётган "Ғиждувон инвест пласт" корхонасининг ўттиз учинчи мижози бўлди. Қишлоқдаги кичик корхона унга ўттиз миллион сўмлик маҳсулот етказиб берди.*

### Интилиш

Тадбиркор Ширин Фаздиддинов саъй-ҳаракати билан барпо этилган мазкур ишлаб чиқариш субъектига 75 минг АҚШ долларилик замонавий технологик линия ўрнатилгач, бу ерда тайёрланаётган рўзғорбоп пластмасса маҳсулотлари тури йигирматадан ортди. Улар сифати янада яхшиланди. Бу эса буюртмалар сонининг кўпайишига олиб келди. Ўтган йили корхона 380 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган эди. Жорий йилнинг дастлабки чорагида эса мазкур кўрсаткич 110 миллион сўмни ташкил этди.

**И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# КЎҲНА ШАҲАРНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

*Истиқлол туфайли юртимизда барча соҳаларда бўлгани каби меъморчилик ва шаҳарсозлик борасида ҳам сифат жиҳатидан янги давр бошланди. Ҳар йили мамлакатимизда миллийлик ва замонавийлик уйғунлигида лойиҳалаштирилган кўплаб саноат корхоналари, ижтимоий соҳа объектлари, муҳташам туражойлар, кенг ва равон йўллар ҳамда кўприклар бунёд этилиб, фойдаланишга топширилаётгани шаҳар ва қишлоқларимиз кўркига кўрк қўшаётир.*

### Бунёдкорлик



Урганч шаҳри ҳам кейинги йилларда ўзгача чирой касб этмоқда. Шаҳарда барпо қилинган янги корхоналар, коллежлар, лицейлар, мактаблар, спорт иншоотлари, боғлар тимсолида халқимизнинг орзу-умидлари, истак-интилишлари рўёбини кўриш мумкин. Президентимиз ташаббуси билан бунёд этилган шаҳарнинг бош майдони юртимиз аҳлини, сайёҳларни ўзига оҳанрабодай чорлаб турибди. Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Жалолиддин Мангуберди ёдгорлик мажмуалари, "Авесто"нинг 1200 йиллиги муносабати билан барпо этилган "Авесто" боғ-мажмуаси каби ўнлаб иншоотлар бугунги юксалишларнинг тимсоли.

Айни пайтда Урганч шаҳрида махсус дастур асосида бунёдкорлик ишлари жадал суръатларда давом этмоқда. Халқаро аэропорт билан муҳташам темир йўл вокзалини бир-бирига туташтирувчи марказий Ал-Хоразмий кўчаси бутунлай янгидан барпо этилмоқда. Мазкур кўчада замонавий лойиҳалар асосида 427 та хонадонга мўлжалланган кўп қаватли 12 та туражой, 28 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси, Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиалининг янги биноси, 4 та меҳмонхона қурилиши режалаштирилган бўлиб, айни пайтгача 30 миллиард сўмликка яқин қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Ҳозир бу объектлар қурилишига 80 дан ортиқ қурилиш ташкилотлари, қарийб 2 минг нафарга яқин қурувчи жалб этилган. Кўчанинг Ўзбекистон кўчаси билан кесишган жойда 1,1 гектарлик кўркам хиёбон барпо этилиб, бу ерда 2 та замонавий фаввора қуриб битказилди. Тунги ёритиш тизими ишга туширилди. Шунингдек, шаҳарликлар ва меҳмонлар ҳордиқ чиқариши учун Ал-Хоразмий кўчасининг Ўзбекистон ҳамда Паҳлавон Маҳмуд кўчалари кесишган жойда сайилгоҳ бунёд этилмоқда. 16 гектар майдонни эгаллаган "Ёшлар кўли" реконструкция қилинаяпти. Бу мақсад учун 9 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилган бўлиб, ҳозиргача 1,5 миллиард сўмлик ишлар бажарилди. Шаҳарнинг Ғафур Ғулом кўчасида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағи эвазига қиймати 1 миллиард 400 миллион сўмлик ёпиқ сув ҳавзаси фойдаланишга топширилди. Янги буюм бозори қурилиши ҳамда Шерозий кўчасида қиймати 22 миллиард сўмлик гипермаркет қурилиши ҳам жадал олиб борилмоқда. Бу ердаги иншоотлар қурилишида миллий меъморлик ҳамда замонавий архитектура услубларидан фойдаланилаяпти.



— Барпо этилаётган ҳар бир иншоот мустаҳкам бўлиши, эл-юртимизга узоқ йиллар хизмат қилиши лозим, — дейди вилоят ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари уюшмаси раиси Илҳомбой Бекчонов. — Қолаверса, шаҳарларимиз бинолари гўзал, замонавий, йўллари равон, барча қулайликларга эга бўлиши бугунгимиз талабидир. Қурувчиларимиз ана шу тамойил асосида иш олиб бормоқдалар.

Қисқача айтганда, бугунги кунда Урганч шаҳрини улкан бунёдкорлик майдонига қиёслаш мумкин.

**Абдураззоқ КАРИМОВ, Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

***Мексикада зилзила содир бўлди.
Бу ҳақда “Frans Press” ахборот агентлиги хабар тарқатди.***

### Мексикада зилзила

Кучланиши 6,3 баллга тенг бўлган табиий офат туфайли талафотлар ва вайроналар кузатилгани ҳақида маълумотлар йўқ. Аммо зилзила маҳаллий аҳоли ўртасида саросима келтириб чиқаргани сабабли минглаб одамлар ўз уйларини ташлаб чиқишган.

### Ишсизлик даражаси юқори

***“Eurostat” ташкилоти маълумотларига кўра, айни пайтга келиб евроҳудудда ишсизлик даражаси 10,8 фоизга етган.***

Бу мазкур ҳудудда истиқомат қилаётган аҳолининг 17,13 миллион нафари ишсиз деганидир. Қайд этилишича, евроҳудудда 1997 йилнинг июнь ойидан бери ишсизлик даражаси бу қадар юқори кўрсаткичга кўтарилмаган эди. Бу борадаги энг салбий натижа Испанияда кузатилмоқда. Ҳозир ушбу давлатда меҳнатга лаёқатли аҳолининг 23,6 фоизи ишсиз. Грецияда эса мазкур кўрсаткич 21, Португалияда 15 фоизни ташкил этаётир.

### Самолёт ҳалокатга учради

***АҚШнинг Флорида штатидаги Деланд шаҳрида унчалик катта бўлмаган самолёт ҳалокатга учради.***

Бунинг оқибатида камида беш нафар одам тан жароҳати олган. Гувоҳларнинг сўзларига кўра, парвоз вақтида лайнерда ёнғин содир бўлган. Кейин эса у савдо мажмуаси устига қулаб тушган. Кўнгилсизликдан бинога жиддий зарар етган. Фожиа юз берган пайтда самолёт бортида икки нафар одам бор эди.

### Кариес юқумлими?

***Стоматология соҳасида илмий изланишлар олиб бораётган бир гуруҳ инглиз олимлари тиббиётда кариесга қарши эмлашни жорий этиш таклифини илгари сурмоқдалар.***

Уларнинг фикрича, айни пайтга келиб ушбу хасталик дунёда энг кўп тарқалган касалликлар сирасига киради. Ва ундан одамлар азият чекмоқдалар. Эмлашни жорий этиш орқали бунга чек қўйиш мумкин. Олимлар ҳайвонлар устида тажриба ўтказганларида, тишларнинг йиринглаши бактерияларнинг аниқ бир тури ёрдамида юзага келишини аниқлаганлар. Бу бактериялар эса тишнинг эмаль ва дентин каби қаттиқ тўқималарига путур етказадиган кислота ҳосил бўлишига олиб келади.

### Маълумотга боғлиқ хасталик

***Олий маълумотли кишилар бундай даражага эга бўлмаганларга нисбатан камроқ юрак билан боғлиқ хасталикларга чалинар экан.***

Бу Буюк Британиянинг Манчестер университети олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотларда аниқланди. Яъни беш минг нафарга яқин одамнинг соғлиғи текширувдан ўтказилганда аксарият олий маълумотга эга инсонларнинг юраги соғлом чиққан.

— Илм билан мунтазам шуғулланган одам ортиқча асаббузарликларга берилмайди, — дейди тадқиқотчилардан бири. — Чунки у фан билан машғул бўлади. Бу вақтда эса юрак кучли зўриқмайди. Мабодо улар асабийлашганида ҳам бу ҳолатдан қандай чиқиб кетишни биладилар.

*Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.*

Қарор ва ижро

*Фармацевтика кейинги йилларда мамлакатимиз саноатининг энг муҳим тармоғига айланди. Бу, айниқса, соҳада ишлаб чиқариш ҳажмининг муттасил ўсиши, кўплаб янги иш ўринлари очилиши, экспортдаги улушининг кўпайиши каби омилларда намоён бўлаётир.*
*Айни шу жиҳатлар инобатга олиниб, фармацевтика саноати иқтисодиётимиз тараққиётини жадаллаштирувчи локомотивлардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2011 йилнинг якунида аввалги йилдагига нисбатан 18 фоизга ўсганиёқ соҳанинг нақадар юксак суръатлар билан ривожланаётганидан далолат беради.*



## Маҳаллийлаштириш:
# ИСТИҚБОЛ ВА САМАРА

Айтиш керакки, фармацевтика саноатида Маҳаллийлаштириш дастури доирасида изчил амалга оширилаётган чора-тадбирлар унинг ривожида беқиёс аҳамият касб этаётир. Дастлаб импорт қилинган дори воситаларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилган бўлса, эндиликда маҳсулот экспорти йўлга қўйилгани бунинг исботидир.

Зангиота туманидаги “Dentafill Plyus” хусусий корхонаси ҳам дори-дармон ва гигиена воситаларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган бўлиб, айни пайтда бу ерда 11 хил фармакологик гуруҳга мансуб 90 дан зиёд турдаги маҳсулотлар тайёрланмоқда. Қобиқли ва қобиқсиз таблеткалар, сироп, суртма, суюқ, суппозиторий, глицеринли дорилар шулар жумласидандир.

Корхона ташкил этилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Унга 2007 йилда асос солинган бўлиб, дастлаб атиги 4 хил маҳсулот ишлаб чиқарилар эди. Орадан кўп вақт ўтмай, “Dentafill Plyus” хусусий корхонаси ишчилари сони 85 нафарга етказилди ва у мамлакатимизда дори воситалари ишлаб чиқарувчи етакчи муассасалардан бирига айланди. Эътиборлиси, унинг мавқеи ташқи бозорда ҳам мустаҳкамланиб бораётир. Табиийки, бу ютуқлар давлатимиз томонидан кичик бизнес ҳаракати ва фармацевтика саноатига қаратилаётган эътибор, яратиб берилаётган қулай шарт-шароитлар самарасидир.

— Корхонамиз Маҳаллийлаштириш дастурига киритилгани жамоамиз учун энг катта муваффақият бўлди, — дейди мазкур корхона раҳбари Комил Қосимов. — Унинг доирасида олиб борилаётган ислоҳотлар туфайли ишлаб чиқариш суръати кескин ошди. Энг асосийси, муҳим дори воситаларига бўлган ички эҳтиёжни таъминлаш баробарида, уларни экспорт қила бошладик. Бу, табиийки, маҳсулотларимизнинг рақобатбардошлиги ва сифатининг юқорилигига ишонч ортиб бораётганини англатади.



**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.**

Фармацевтика саноати ривожини замонавий технологияларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу маънода, Президентимизнинг 2007 йил 19 ноябрдаги “2011 йилгача бўлган даврда фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш Дастури тўғрисида”ги қарорига мувофиқ амалга оширилган лойиҳаларнинг аҳамияти беқиёсдир. Хусусан, “Dentafill Plyus” корхонасида 2007 — 2010 йилларда умумий қиймати 3,3 миллиард сўмлик инвестициявий лойиҳалар муваффақиятли бажарилди. Натижада хориждан таблетка, стерил суртма, суспензия ҳамда республикада биринчи бўлиб суппозиторий дори воситалари ишлаб чиқарадиган янги дастгоҳлар олиб келиб ўрнатилди.

— Касбим тақозосига кўра, дунёнинг фармацевтика саноати ривожланган давлатларида, хусусан, Германияда кўп бўлганман, — дейди К. Қосимов. — Чет эллик мутахассислар, энг аввало, корхонамиз фаолияти билан қизиқади. Табиийки, эришаётган муваффақиятларимиз қатори ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган модернизациялаш тадбирлари ҳақида гапириб бераман. Шундай суҳбатларнинг бирида германияликлар ҳайратини яшира олмай сўрашди: “Глобал молиявий-иқтисодий инқироз пайтида бундай йирик лойиҳаларни қандай олиб бораяпсизлар? Бу кичик корхоналар учун осон эмас-ку?!”

Мен уларга Ўзбекистонда инвестициявий лойиҳалар давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, айниқса, кичик бизнес субъектларига бу борада кўплаб имтиёзлар борлигини гапириб бердим. Шунда уларнинг иқтисодиётимизга бўлган қизиқиши ортиб, узоқ муддатли алоқалар ўрнатишди.

Бугунги кунда корхона Дания, Италия, Россия, Украина, Хитой, Ҳиндистон, Швейцария, Эрон каби давлатлар билан ҳамкорлик ришталарини боғлаган. Бу маҳсулот тайёрлаш сифати ва суръатини тубдан яхшилаш имконини бермоқда. 2011 йилда ички бозорга маҳсулот етказиб бериш ҳажмини камайтирмаган ҳолда, 115 минг АҚШ долларилик экспорт амалиёти бажарилгани бунинг исботидир. Корхона жамоаси жорий йилда мазкур кўрсаткични 700 минг АҚШ долларига етказишни мақсад қилган. Бунинг учун имкониятлар етарли, албатта.

Президентимизнинг 2010 йил 15 декабрдаги “2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарори корхона ҳаётида янги даврни бошлаб берди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Гап шундаки, ушбу ҳужжатга биноан, корхонада яқин беш йил ичида умумий қиймати қарийб 19 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 4 та инвестициявий лойиҳа амалга оширилади. Натижада тиббиёт учун стерил ва ностерил қўлқоплар, қобиқли таблетка, капсула, суспензия ва қуруқ кукун шаклидаги дори воситалари, қадоқлаш учун композит тубалар, полиэтилен ва полипропилен идишларда инъекцион, инфузион дорилар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилади.

Лойиҳаларнинг долзарблиги шундаки, бугунги кунда бундай дори-дармон воситаларига бўлган эҳтиёж, асосан, импорт эвазига қондирилмоқда. Уларнинг муваффақиятли рўёбга чиқарилиши туфайли катта миқдорда валютани тежаш баробарида 180 та иш ўрни яратишга эришилади.

Корхона жамоасининг бу каби ютуқлари Президент соврини учун ўтказилган “Ташаббус — 2012” республика кўрик-танловида ҳам муносиб баҳоланди. Унинг раҳбари Комил Қосимов танловнинг “Энг яхши тадбиркор” йўналишида учинчи ўринга лойиқ кўрилди.

Юксак эътироф ва рағбат тадбиркорни иқтисодиётимиз ривожи йўлида янада ташаббускор бўлишга ундамоқда.

**Р. САИДОВ.**

## Самарқанд томонларда

### Модернизация – кенг имкониятлар асоси

*“Agro-Bravo” масъулияти чекланган жамиятида янги имкониятлар ишга солиниши эвазига сутни қайта ишлаш ҳажми ойига қарийб 100 тоннага, маҳсулот тури эса 50 тага етди.*

— Ишлаб чиқаришни модернизациялашга катта эътибор қаратаяпмиз, — дейди корхона раҳбари Сирожиддин Бердиев. — Хусусан, сўнгги уч йил давомида лойиҳа қиймати 100 минг АҚШ долларилик пишлоқ ҳамда йогурт тайёрлашга мўлжалланган замонавий хориж технологияларини олиб келиб ўрнатдик. Жорий йилда эса сутни қадоқлайдиган замонавий дастгоҳларни ишга туширдик. Бунинг учун 120 минг АҚШ долларилик маблағ сарфланди.

Саноатни ривожлантириш бўйича қабул қилинган маҳаллий дастурга мувофиқ, 2012 йилда вилоятда 46,8 миллион АҚШ долларилик 89 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган.

### Янги меҳмонхона

*Самарқанд шаҳрида “Sug`diyona Plaza” меҳмонхонаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.*

Банкнинг молиявий кўмаги эвазига бунёд этилган мажмуада нафақат маҳаллий сайёҳлар, балки хорижлик меҳмонларга ҳам юқори даражада хизмат кўрсатиш имконияти яратилган. Эътиборлиси, шаҳар кўркига кўрк қўшган ушбу меҳмонхона иш бошлаши билан 30 нафар кишининг доимий бандлиги таъминланди.

**М. ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

• Реклама ва эълонлар •







## Хабар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2012 ЙИЛ 17 МАРТДАН 30 МАРТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Солиқ маслаҳатчиларининг малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2012 йил 29 февралдаги 23-сонли буйруғи.*

**2012 йил 17 мартда 2343-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2012 йил 27 мартдан кучга киради).**

2. «Тижорат банклари томонидан шахсий ёрдамчи хўжаликларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2012 йил 10 мартдаги 8/1-сонли қарори.*

**2012 йил 20 мартда 2344-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2012 йил 30 мартдан кучга киради).**

3. «Айрим турдаги акцизли товарларни ишлаб чиқариш ва сотишнинг ҳисоби тизими тўғрисидаги вақтинчалик низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк Бошқарувининг 2012 йил 20 февралдаги 17, 20, 2012-9, 4/1-сонли қарори.*

**2012 йил 20 мартда 1390-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2012 йил 30 мартдан кучга киради).**

4. «Автомобилда халқаро ташишда ҳайдовчиларнинг меҳнат ва дам олиш режимларини назорат қилиш учун фойдаланиладиган рақамли назорат қурилмаси карточкалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғининг 2012 йил 27 февралдаги 34-сонли буйруғи.*

**2012 йил 26 мартда 2345-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2012 йил 5 апрелдан кучга киради).**

5. «Рақамли назорат қурилмаларидан фойдаланиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғининг 2012 йил 27 февралдаги 35-сонли буйруғи.*

**2012 йил 26 мартда 2346-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2012 йил 5 апрелдан кучга киради).**

6. «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида ҳаво кемаларидан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисидаги буйруқнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2012 йил 13 мартдаги 18-сон буйруғи.*

**2012 йил 28 мартда 2214-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2012 йил 7 апрелдан кучга киради).**

7. «Ҳужжатларнинг қимматлилигини аниқлаш экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги бош директорининг 2012 йил 14 февралдаги 10-сонли буйруғи.*

**2012 йил 29 мартда 2347-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2012 йил 8 апрелдан кучга киради).**




Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги ҳайъати агентликнинг Ахборот-таҳлил гуруҳи бошлиғи Суннат Сагатовга волидаи муҳтарамаси **Марҳамат САГАТОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти жамоаси Кутубхона ахборот фаолиятини бошқарув факультети декани Сойибназар Давлатовга падари бузруквори **ХЎЖАНИЁЗ отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Республика онкология илмий марказининг «Ниҳол» тажриба заводи жамоаси корхона директори **Абдумалик Саттарович БАБАДЖАНОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

## Дунё нигоҳи

*Германиянинг Бонн шаҳрида Шимолий Рейн-Вестфалия федерал ери табиат, қишлоқ хўжалиги, атроф-муҳит ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вазирлиги ҳамда Бонн шаҳри ҳокимияти кўмагида "Кўз билан кўргандан ҳам кўпроқ" номли суратлар кўргазмаси очилди.*

# ГЕРМАНИЯДАГИ КЎРГАЗМАДА ЎЗБЕКИСТОН МАНЗАРАЛАРИ

Жорий йилнинг 5 мартидан 27 мартига қадар шаҳар аҳолиси ва меҳмонлари эътиборига ҳавола этилган мазкур тадбир икки қисмдан ташкил топган. Биринчи қисмда Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари — Самарқанд, Бухоро ва Хивадаги қадимий обидалар, республикамизнинг сайёҳлик салоҳияти ёритилгани ҳолда, иккинчи қисмдан Ўзбекистон ва Германия ўртасида ўтган 20 йил давомида турли соҳаларда олиб борилган ҳамкорлик натижалари, шунингдек, Бухоро — Бонн бинодарлашган шаҳарлари доирасида Бухоро шаҳридаги 4-сонли ва Бонн шаҳридаги Э. Хейерман номидаги ўрта мактаблар ўртасидаги "SPICE — энергиянинг ноанъанавий турларидан фойдаланиб, атроф-муҳитни муҳофазалаш" лойиҳаси ҳақида ҳикоя қилувчи суратлар ўрин олган.

Кўргазма доирасида **Шимолий Рейн-Вестфалия федерал ери табиат, қишлоқ хўжалиги, атроф-муҳит ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вазири Йоханнес Реммел** томонидан тарқатилган расмий пресс-релизда Бухоро ва Бонн шаҳарлари ҳамкорлигида атроф-муҳитни муҳофазалаш бўйича амалга оширилган "SPICE" лойиҳаси юқори баҳоланиб, унинг намунавийлиги таъкидланди. Шунингдек, Й. Реммелнинг фикрича, бу каби лойиҳалар глобаллашаётган дунёда қуёш энергиясидан фойдаланишни кенг тарғиб қилиши билан бирга, ёшларда эртанги кун учун қайғуриш туйғусини уйғотади.

**Бонн шаҳри обербургомистри Юрген Нимпч**нинг кўргазма бўйича тарқатган расмий пресс-релизида таъкидланишича, ушбу тадбир икки давлатнинг ҳамкорлик муносабатларини, айниқса, Бухоро — Бонн биродарлашган шаҳарлари ўртасидаги мавжуд алоқаларни янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлади. "Ҳамкорлик алоқалари икки давлат расмий делегацияларининг алмашинуви билангина эмас, балки икки халқ вакилларининг учрашуви, ўзаро танишув ҳамда қўшма лойиҳаларнинг амалга оширилиши билан мустаҳкамланади. Шу ўринда Бухоро ва Бонн шаҳарларидаги ўрта мактаблар ҳамкорлигида ҳаётга татбиқ этилган атроф-муҳитни муҳофазалаш бўйича "SPICE" лойиҳаси ўзаро ҳамкорлигимизнинг ёрқин намунасидир", дея таъкидлади Ю. Нимпч.

Юрген Нимпч Ўзбекистоннинг Бухоро, Самарқанд ва Хива каби шаҳарлари ҳақида батафсил маълумот берувчи суратлар Бонн шаҳри аҳолиси ва унинг меҳмонларини афсонавий Буюк Ипак йўлида жойлашган қадимий шаҳарлар маданияти ҳамда мазкур кентлардаги тарихий обидалар гўзаллиги билан яқиндан таништиришига ишонч билдирди.

Кўргазма ташкилотчиларидан бири бўлган **Бонн шаҳри вакиллар кенгаши депутати Петер Керн** "Жаҳон" ахборот агентлиги вакили билан суҳбатда ушбу кўргазма унинг 2010 йилдаги Ўзбекистонга саёҳати давомида олган суратлари асосида ташкиллаштирилганлигини айтиб, юртимизнинг гўзаллиги, турли маданият ва урф-одатларнинг мужассамлашганлиги ҳамда қадимий тарихий обидаларга бойлиги уни лол қолдирганлигини таъкидлади.

"Ўзбек жамиятидаги маданият ва урф-одатларнинг хилмахиллиги диққатга сазовордир. Айниқса, биз европаликлар учун ноанъанавийлиги боис жуда қизиқарли бўлган шарқона бозорлар, юксак ва нозик дид билан қурилган мадрасаю масжидлар, шунингдек, очиққўнгил ҳамда меҳмондўст ўзбек халқи менда улкан таассурот қолдириб, мазкур кўргазмани ташкил этишга туртки бўлди", деди П. Керн.

Бонн шаҳри вакиллар кенгаши депутатининг таъкидлашича, "Бу шаҳарлар, дарҳақиқат, эртаклардаги тасвирларнинг ҳаётий инъикосидир. Айниқса, таъкидлаш кераккки, ўрта асрларда Амир Темур ва унинг авлодлари томонидан қурилган маҳобатли иншоотлар асрлар ўтиши, табиат томонидан етказилган зарарли оқибатларга қарамай, жуда ажойиб сақланиб қолинган. Уларнинг бу ҳолда сақланиб келиниши, мустақиллик йилларида қайта ҳаёт бағишланиб, доимий реставрация қилиниши фақат ва фақат олқишга сазовордир".

"Ўз навбатида, жаҳонгашта сайёҳ сифатида барчага Ўзбекистонга ташриф буюришни тавсия қиламан. Бу гўзал диёр кўнглингизда ажойиб ва унутилмас хотиралар қолдириши шубҳасиз", дея ўз фикрини якунлади Петер Керн.

**«Жаҳон» АА.**
Бонн

# Ёшларнинг чиниқиш майдони

*Баркамол авлод тарбиясида спортнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Шу боис мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёшларни маънан ва жисмонан етук шахслар қилиб вояга етказишга катта эътибор қаратилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан қурилаётган муҳташам спорт мажмуалари, сузиш ҳавзалари, замонавий заллар ўғил-қизларимиз учун чиниқиш майдони бўлиб хизмат қилаётир.*

## Ҳарбий-спорт ўйинлари



Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

Албатта, ёшларнинг жисмоний маҳоратини тоблаб боришда спорт мусобақалари муҳим ўрин тутади. Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида ҳарбий-спорт йўналишидаги синфлар ўқувчилари ўртасида ташкил этилган анъанавий "Ботирлар" ҳарбий-спорт ўйинлари очилиш маросимида сўз олганлар бу ҳақда яна бир бора тўхталиб ўтдилар.

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси томонидан Халқ таълими вазирлиги, Мудофаа вазирлиги ҳамда "Sen yolg`iz emassan" республика жамоатчилик болалар жамғармаси билан ҳамкорликда уюштирилган мазкур мусобақада пойтахтимиз ва Тошкент вилоятидаги умумтаълим мактаблари ҳамда Меҳрибонлик уйларининг ҳарбий йўналишдаги синфларида таълим олаётган 200 нафардан зиёд ўқувчи қатнашди. Улар дастлаб сафда юриш ва жанговар тайёргарлик бўйича ўз маҳоратларини намойиш этган бўлишса, кейин спортнинг қўл жанги, ҳарбий-спорт эстафета, футбол ва баскетбол турлари бўйича ўзаро баҳслашдилар. Ўқувчиларнинг истеъдод ва маҳоратлари Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти курсантлари томонидан баҳолаб борилди.

Қизиқарли ва дўстона руҳда ўтган "Ботирлар" ҳарбий-спорт ўйинлари беллашувлари якунида ғолиблар ҳамда иштирокчиларга ташкилотчиларнинг совғалари топширилди.

**Фазлиддин АБИЛОВ.**

# Наманганда халқаро турнир

*Наманган шаҳрида теннис бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган халқаро турнир ниҳоясига етди. Халқаро теннис федерацияси таснифига киритилган ушбу нуфузли мусобақада, Литва, Беларусь, Ҳиндистон, АҚШ, Жанубий Корея сингари 16 мамлакатнинг ёш ракетка усталари баҳс олиб бордилар.*

## Теннис

Вилоят марказидаги 25-Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби кортларида ташкил этилган беллашувларда мамлакатимиз ёш теннисчилари ҳам ўз маҳоратларини намойиш қилди. Жумладан, тўрт кун давом этган мусобақалар якунига кўра, ўғил болалар ўртасидаги яккакурашда ҳамюртимиз Абдуворис Саидаҳмедовнинг қўли баланд келди. Қизлар ўртасидаги баҳсда эса россиялик Елена Мальцева биринчи ўринни эгаллади. Жуфтлик баҳсларида россиялик теннисчи қизлар — Елена Мальцева ва Анастасия Ричагова шоҳсупанинг юқори поғонасидан, ўзбекистонлик Арина Фольц ва Нателла Набиева тандеми эса иккинчи поғонадан жой олди. Ўғил болалар жуфтлигида биринчи ўрин ўзбек теннисчилари Тимур Исмоилов ҳамда Санжар Файзиев, иккинчи ўрин эса ҳиндистонлик Аржун Катхе ҳамда литвалик Жулиус Тверижанусга насиб этди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Қарийб ўттиз йилдирки, шу соҳада фаолият кўрсатаётган мураббий сифатида ёшларга ғамхўрликнинг, истеъдодли ўғил-қизларни қўллаб-қувватлаш борасидаги эзгу саъй-ҳаракатларнинг шоҳидиман. Ўзим бошчилик қилаётган театр студия ташкил этилганига ҳам, мана, йигирма йилдан ошди. Шу ўтган вақт мобайнида дунё кездик, энг нуфузли фестиваллар, кўрик-танловларда иштирок этиб,

# Истеъдодли фарзандлар – юрт фахри

миллий қадриятларимиз, фольклор санъатимиз намуналарини жаҳонга танитишга муваффақ бўлдик. Қай бир мамлакатга бормайлик, шогирдларимнинг истеъдоди, мусиқий билими ва зукколигига тан беришади. Ўзбекистонда ҳамма болалар ҳам шундайми, дея қизиқиш билан савол беришганида ич-ичимдан ғурур ҳиссини туяман.

Дарҳақиқат, юртимизда ноёб истеъдодли болалар кўп. Ушбу мусиқий театрнинг 80 нафардан зиёд аъзолари орасида ҳам Маъруфжон Шарифов, Дилдора Азимова, Аббос Ниғмонов, Мадина Саидазимова сингари қобилият соҳиблари борки, келгусида уларнинг миллий санъатимиз довруғини юксалтиришга муносиб ҳисса қўша оладиган маҳоратли ижодкор бўлиб етишишларига ишонч ҳосил қилса, арзийди.



— Фестивалдан қайтиб келишимиз биланоқ бошқа халқаро танловларга ҳам таклиф этишди, — дейди Маъруфжон қувониб. — Устозимиз бундан жуда ҳам хурсанд бўлиб, "Ишончимни оқлаганингиз учун раҳмат, болажонларим", дедилар. Бу гапни ота-онамиз, мактабдаги ўқитувчиларимиз, дўстларимиз ҳам айтишди. Насиб этса, яна кўп-кўп танловларда биринчиликни қўлга киритиб, шундай мақтовларга лойиқ бўлиш учун астойдил ҳаракат қиламиз.

...Беғубор қалбдаги бу каби соф орзулар рўёбга чиқиши учун юртимизда барча имконият ҳамда шарт-шароитлар муҳайё этилган. Шубҳа йўқки, беқиёс меҳр ва ғамхўрлик интилувчан ўғил-қизларимизни бундан-да баланд парвозлар, улкан марралар сари ундайверади.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Қадриятлар тараннуми

*Жиззахда "Қадриятларимизни қадрлайлик" мавзуида ёшлар фестивали бўлиб ўтди.*

## Анъана

Вилоят ҳокимлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими, вилоят маданият ва спорт ишлари, халқ таълими бошқармалари ҳамда бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилган ушбу тадбирда иштирокчилар халқимизнинг асрлардан-асрларга ўтиб келаётган миллий ўйинлари, либос ва таомлари, шунингдек, айтишуву лапарлари бўйича ўзаро беллашдилар. "Арқон тортиш"да арнасойликлар ғолиб бўлган бўлса, "Омоч тортиш"да зоминликларнинг қўли баланд келди. "Чавандоз"ликда мирзачўлликларга етадиган жамоа топилмади. Миллий таомлар танловида Жиззах шаҳри, урф-одатлар тараннумида Жиззах тумани иштирокчилари ғолиб бўлишди. "Бўрон" деб номланувчи мусобақада эса арнасойликлар зафар қучдилар.

Наврўз шодиёналарининг узвий давоми ҳисобланган мазкур фестиваль миллий қадриятларимизнинг ўзига хос тараннуми бўлди.

**М. КАРИМОВА.**


• Реклама ва эълонлар •

*Давлат, хусусий ҳамда бошқа мулкчилик шаклидаги корхоналар раҳбарлари диққатига!*

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Жазони ижро этиш бош бошқармаси**

**14 000 дона 205х140 см. ўлчамдаги ип газлама одеял, 100 000 жуфт ип газлама пайпоқ**
*сотиб олиш бўйича тендер савдоси эълон қилади.*

**Таклифлар 2012 йил 25 апрель кунига қадар қабул қилинади.**

**Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100005, Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, 25-уй. Телефонлар: (8-371) 291-64-15, 291-44-33, 291-68-02, 291-35-88. Факс: (8-371) 291-68-69, 283-27-84. E-mail: guin_mvd_uz@bk.ru**

560R/411

**СОТАМИЗ:**
- **ИСИТИШ ҚОЗОНЛАРИ*** 15 кВтдан 2000 кВтгача
- **БЛОКЛИ АВТОНОМ ҚОЗОНХОНАЛАР** 100 кВтдан 5000 кВтгача
- **НЕФТЬ, ГАЗ ва КИМЁ САНОАТИ УЧУН ЖИҲОЗЛАР*:** турли хил ҳажмдаги, босимга чидамли идишлар, сепараторлар, тиндиргичлар, иссиқликни алмаштириб турувчи қурилма, шовқинни пасайтирадиган мослама, машъала устуни ва каллаги, технологик реакторлар.
- **ЗАМОНАВИЙ ИССИҚХОНА МАЖМУАЛАРИ ТАЙЁР ҲОЛАТДА.** *Буюртма бўйича.*

* *Маҳсулот сертификатланган.*

**Офис тел.: (8-370) 715-01-48, 715-05-32.**
**Моб. тел.: (+99870) 713-96-80, (+99870) 713-70-10, (+99897) 711-58-65, (+99870) 346-92-25.**
**e-mail: chks.uz@mail.ru www.chk-uz.com**

47R/1506

"Ўзбекистон миллий энциклопедияси" давлат илмий нашриёти қошидаги "Китоб-илм" шўъба корхонаси тугатилаётганлиги маълум қилинади.

Барча даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой муддатда қабул қилинади.

**Маълумот учун телефон: (8-371) 244-31-45.**

*Республикамизда фаолият юритаётган барча оммавий ахборот воситалари ва журналистлар диққатига!*

**ЎЗБЕКИСТОН ҚИЗИЛ ЯРИМ ОЙ ЖАМИЯТИ жамият фаолиятининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши бўйича кўрик-танлов ўтказади!**

*Ҳурматли ҳамкасблар!*

**Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти сизларни Ўзбекистон ҚЯО жамияти фаолиятининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши бўйича ўтказилаётган кўрик-танловда фаол иштирок этишга чорлайди!**

Кўрик-танлов Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясидан келиб чиқиб, шунингдек, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурини амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 24 августдаги «Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори талабларини, шу билан бирга, Ўзбекистон ҚЯОЖнинг XX Қурултойида қўйилган вазифаларни бажариш ва Миллий жамият устави талаблари асосида олиб бораётган фаолиятининг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминлаш, самарадорлигини ошириш ҳамда сифатини юксалтириш мақсадида ўтказилмоқда.

Танловга 2012 йил январь ойидан 2012 йил 1 октябрга қадар газета ва журналларда, интернет нашрларида чоп этилган материаллар, эфирга узатилган телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар қабул қилинади. Материаллар танловга таҳририятлар тавсияси билан, шунингдек, Ўзбекистон ҚЯОЖ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва «Темир йўллар» ташкилотлари орқали жорий йилнинг 1 октябрига қадар муаллифнинг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар кўрсатилган ва паспорт нусхаси илова қилинган ҳолда тақдим этилиши лозим.

Кўрик-танлов ғолиблари ҳамда совриндорларига диплом ва эсдалик совғалари Ўзбекистон ҚЯОЖ ташкил топган кун — 14 ноябрь куни байрам тадбирида топширилади.

**Кўрик-танловга материаллар Ўзбекистон ҚЯОЖ ташкилий ривожланиш бўлимига — қуйидаги манзилга юборилиши лозим: Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 30-уй, 2-қават, 9-хона. Телефон: (8-371) 150-14-68. Факс: (8-371) 256-18-01. rcsuz@uzpak.uz**

424R/328

**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ**
*очиқ аукцион савдосига таклиф этади!*

«Capital Realtor Group» МЧЖ 2012 йил 20 апрель куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Янгийўл тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент вилояти хўжалик судининг 2011 йил 22 августдаги 11-1125/11183-сонли ижро варақасига асосан хатланган, бошланғич нархи 500 000 000 сўм бўлган «AKROMJON AGROLYUKS» ХКга тегишли, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, «А.Ортиқов» ҚФЙ, «Дўстлик» ДФХУда жойлашган, умумий майдони 3 252 кв.м., жами фойдаланиш майдони 903,83 кв.м. бўлган чорвачилик фермаси бино ва иншоотларини савдога чиқармоқда.

Ушбу кўчмас мулк объекти билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда соат 17.00 тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

***Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Кушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8-371) 250-19-24.***

561A/1192

***Лицензия: RR-0017.***


## ОБ-ҲАВО

(4 апрель)

| Ҳудуд | Кечаси | Кундузи |
| --- | --- | --- |
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида | +9 +14 | +15 +20 |
| Бухоро ва Навоий вилоятларида | +8 +13 | +25 +30 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида | +8 +13 | +25 +30 |
| Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида | +10 +15 | +27 +32 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида | +8 +13 | +23 +28 |
| Тошкент шаҳрида | +10 +12 | +26 +28 |


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 454. 92 213 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 22.10 1 2 3 4 5